

2009-4-сон

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаган судланувчига Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида йигирма йилдан ошиқ жазо тайинланганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 28 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2008 йил 22 сентябрдаги ҳукмига кўра М. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2 қисмининг «ж», «л», «п» бандлари билан 20 йил, 277-моддаси 3 қисмининг “г” банди билан 4 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 22 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят кодексининг 59-моддаси 5-қисмида ҳамда Олий суд Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги “Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида жиноятлардан ҳеч бўлмаганда биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда узил-кесил жазо Жиноят кодексининг 59-моддаси бешинчи қисми қоидасига мувофиқ жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали, бироқ йигирма беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тайинланиши;

агар жиноятлар мажмуига кирувчи Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми ёки 155-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган жиноятлардан биронтаси бўйича ҳам узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаган бўлса, узил-кесил жазо муддати йигирма йилдан ошмаслиги кераклиги белгиланган.

Бироқ суд томонидан қонуннинг бу талаби ва Пленум қарорининг тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Суд томонидан М.га нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «ж», «л», «п» бандлари билан узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси

тайинланмаган бир вазиятда жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, хатога йўл қўйилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам ушбу камчиликни бартараф этиш чораларини кўрмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2009 йил 30 апрелдаги ажрими билан суд қарорларининг М.га оид қисми ўзгартирилиб, унга Жиноят кодексининг 97-моддаси 2 қисмининг «ж», «л», «п» бандлари билан тайинланган 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилиб, Жиноят кодексининг 277-моддаси 3 қисмининг “г” банди билан тайинланган жазони Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Назорат иши ЖСХ-31-09